



ҚАШҚАДАРЁ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 24 февраль куни Қашқадарё вилоятида бўлди.



Давлатимизнинг ижтимоий сиёсати ҳар бир маҳаллага кириб бориш ва аҳоли талабини манзилли ҳал этишга қаратилган. Қарши туманидаги Янги Батож маҳалласида ҳам инфратузилма изчил ривожлантирилмоқда. 2021 йилда ташкил топган маҳалла бўлгани боис бу ерда мактаб йўқ эди. 500 дан ортиқ ўғил-қизлар 10 километрлик масофадаги мактабга қатнардди.

Яқинда бу ерда янги мактаб қуриб битказилди. Президентимиз маҳаллага ташрифи чоғида уни кириб кўрди.

Мактаб 660 ўринли. Ўттиздан ортиқ синфхоналар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона, STEM лабораторияси, компьютер хонаси ва касбга йўналиштириш хоналари мавжуд. Очқик ва ёпиқ спорт майдончалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги йўлаклари ташкил этилган.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни камида иккита чет тили ва битта замонавий хўнарга ўргатиш мактаб таълимидаги асосий йўналиш сифатида белгиланган. Янги мактабда ҳам бунга шароит яратилган. Махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар тикувчилик, заргарлик, пазандчилик, сартарошлик, электротехника, компьютер ва мобил телефонларга хизмат кўрсатиш, робототехника бўйича касб сирларини ўрганади.

Давлатимиз раҳбари йўқувчилар билан мулоқотда бўлди.

Шундай шароит яратилганига, йўқувчилар мактабдан чет тилларни ва хўнарга ўрганиб чиқди. 11-синф ҳаётга йўлланма берувчи синф бўлади. Агар ҳар бир ёш шундай ўқиб, жамиятда ўз ўрнини топса, Ўзбекистонимизга мустақам замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент шу ерда қашқадарёлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

— Ҳар бир ислохотда, қарор қабул қилишда ўқитувчилар кўз олдимида бўлади, — деди давлат раҳбари. — Сир эмас, илгари болалар уч ойлаб

пахтага чиқариларди. Биргина Қашқадарёда 155 минг ўқувчи ўрни етишмасди. Бунинг учун вилоятга 1 триллион маблаг ажратилди. 215 та мактаб қурилди. Бугун Қашқадарё мактаблари сони бўйича республикада биринчи ўринда. Ўқитувчиларнинг ойли маошлари ҳам оширилди. Албатта, буларни яна давом эттирамиз. Лекин асосийси — сифат бўлиши керак. Бу, аввало, ўқитувчиларнинг билимига, дунёқарашига, фидойилигига боғлиқ.

Учрашувда педагоглар ўз фаолияти ҳақида сўзлаб, фикр ва таклифларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Янги Батож маҳалласи аҳолисининг ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Худуд ободонлаштирилиб, тадбиркорлик ривожланмоқда. Тўқимачилик корхонаси, дорихона, минибанк, озиқ-овқат дўконлари ва хизмат кўрсатиш устаноналари аҳоли хизматида.

Маҳаллада Касаначилик маркази ташкил этилмоқда. Президент унда яратилаётган шароитларни кўздан кечирди.

Бу ерда тикувчилик, чармдўзлик, гиламчилик маҳсулотлари тайёрлашни билан бирга касаначиларга иш ҳам ўргатилади. Ҳоким ёрдамчиси ҳамда хотин-қизлар фаоли томонидан ишсиз фуқаролар аниқланиб, қизиқиш ва хоҳишларига кўра йўналишлар бўйича усталарга бириктирилади. Буюртмаларни тайёрлашни тўлиқ ўзлаштирган касаначиларга уйда ишлаши учун керакли дастгоҳ ҳамда хомашё берилди. Буюртмачи ва касаначи ўртасида тузилган шартномалар ҳоким ёрдамчиси томонидан “Ягона меҳнат миллий тизими”га киритилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги хўнарандларни хомашё билан танишди, аҳоли зич маҳаллалардаги коллежаларнинг маълум хоналарини

касаначиларга ажратиш бўйича топшириқлар берди.

— Ўзи хўнара ўрганишининг энг катта замини — маҳалла. Бу аънанамиздан фойдаланиб, касаначилик ҳамда устоз — шогирдлик асосида ёшларни хўнарали қилиш мумкин. Бу улара, айниқса, хотин-қизларга ҳам маънавий, ҳам моддий куч бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ Янги Батождан ташқари унга туташ Батож, Хониён, Тараққиёт, Дашт, Жумабозор каби маҳаллаларга ҳам хизмат қилади. У тўлиқ ишга тушса, қарийб 24 минг нафар аҳоли бандлигида муҳим омил бўлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Олий ҳарбий авиация билим юрти фаолияти билан танишди.

Маълумки, бу таълим муассасаси 1994 йилда Жиззахда ташкил этилган. Лекин у ерда бўлажак ўқувчилар амалиёт ўташи учун шароит етарли эмасди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Қарши туманидаги Хонобод ҳарбий аэродромида бўлганида ҳарбий ўқувчилар тайёрлашда ушбу аэродром имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар билдирганиди. Шу асосида олий ҳарбий авиация билим юрти 2019 йилда Қарши шаҳрига кўчирилди. Ўқув ва машғулот бинолари замонавий тренажёрлар, ускуналар, ахборот технологиялари билан жиҳозланди.

Бу курсантларга Хонобод аэродромида ҳарбий ҳаво кемаларини бошқариш ва уларага техник хизмат кўрсатиш бўйича машғулотлар олиб бориш, бевосита ўқув полигонларида иштирок этиш имкони берилди. Парвозга тайёргарлик маркази ва ахборот-ресурс маркази, 4 та мутахассислик йўналиши бўйича ўқув лабораториялари ҳарбий ўқувчилар-

нинг профессионаллик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

120 ўринли маданият маркази, 400 ўринли ётоқхона, ошхона, саф майдони ва спорт шаҳарчаси курсантлар ихтиёрида. Айна пайтда бу ерда 276 нафар курсант таълим олмақда.

Президентимиз муассасадаги шароитларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатда ўз мутахассислиги билан бирга қўшимча хорижий тиллар ва замонавий технологияларни пухта ўрганишининг аҳамияти таъкидланди.

— Ҳар бир давлатнинг мудофааси унинг қудратини кўрсатади. Мудофаани эса сизга ўхшаган билимли, ақли, иродали ҳарбийлар, муҳандис ва ўқувчилар таъминлайди. Бунга муносиб бўлиш учун доим ўқиб-ўрганиб, ўз устингизда ишлаб, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Олий Бош Қўмондон билим юрти ошхонасида курсантлар билан бирга тушлик қилди. Спорт ва ўқув машғулотларини кўрди. Ўқув юрти узра ҳужумчи, қирувчи, транспорт самолётлари, жанговар вертолётлар иштирокида ҳарбий авиация парвозлари намойиш этилди.

Мутасаддиларга дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан қайиби чиқиб, ҳаво мудофаасини янги погонга кўтариш, таъриба тариқасида ўқувчиси қурилмалар йиғишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ушбу билим юрти фаолиятини ҳам шунга мувофиқ такомиллаштириш, хорижий муассасалар билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев жойларга чиққанда халқ ичига кириб, аҳоли турмуш даражасини яқиндан ўрганади. Турмуш даражаси эса, аввало, ички бозордаги маҳсулотларда, нарх-навода намоён бўлади.

Янги йил арафасида Қарши шаҳрида кўп қаватли савдо мажмуаси ишга тушган эди. Унда озиқ-овқат,

маиший техника, хўжалик моллари дўконлари ва кўнгилочар масканлар жойлашган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага ташриф буюриб, озиқ-овқат маиший техника дўконларини кириб кўрди. Маҳсулотларнинг сифати ва нархларига эътибор қаратди. Уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини юқори баҳолади.

Харидорлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ва хизматлар ҳақида уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” кичик саноат зонасида ҳам бўлди.

Бу ерда ҳозирча 2 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилган. Жорий йил охирига қадар яна 2 та лойиҳа ишга туширилади ва умумий иш ўринлари сони 1 минг 500 тага етади.

Ўтган йили фаолият бошлаган “Алп Техно Сервис” масъулияти чекланган жамияти йилга 120 минг дона телевизор ва монитор ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона “JVC”, “TCL”, “Zimmer” брендларининг аудитидан ўтиб, шу номлар остида ташқи бозорга чиқмоқда. Ўтган йили 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 6 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Бу ерда 70 та иш ўрни яратилган. Яқинда плата териш ҳамда пластик қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари электротехника маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Корхона ишчилари билан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Тадбир бошида 6 та янги корхона ишга тушириш маросими бўлди. Қарши туманидаги “Омад старт”, Қарши шаҳридаги “Китоб ип йигирув”, Деҳқонобод туманидаги “Бахт текстиль”, Шахрисабз шаҳридаги “Оқсарой текстиль” ва “Пит-стои” корхоналари ҳамда мебель фабрикаси вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни расман ишга туширди.

Йиғилишда, аввало, вилоятда энергия таъминотини яхшилаш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда вилоятда электр истеъмоли 6,9 миллиард киловатт-соати ташкил этиб, 310 миллион киловатт тақчиллик бўлиши кутилмоқда. Шу боис алоҳида қарор қабул қилиниб, бу тақчилликни олтириш билан қоплаш бўйича ишлар бошланди.

Хусусан, Нишон ва Чироқчи туманларида 3 та кўёш фотозлектр станциясини ишга тушириш режалаштирилган. Давлат идоралари, корхона ва хонадонларда 76 мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатиш имконияти бор. Электр тармоқлари янгилаштирилиб, энергия истеъмоли юқори бўлган қурилмалар алмаштирилади. Шунингдек, йилга 2,2 миллиард киловатт сарфлайдиган Қарши магистраль каналининг насос станцияларида 6 частотали бошқариш воситаси ўрнатилди.

Бу орқали шу йилда 50 миллион киловатт, келгуси йилдан бошлаб йи-

лига 175 миллион киловатт электр иқтисод қилинади.

Йиғилишдаги асосий масала саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлашга оид бўлди.

Сўнгги беш йилда Қашқадарёга 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Тадбиркорлар сони 2,5 баравар кўпайиб, қўшимча 325 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноатни паст бўлган 8 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар ошиб, вилоятдаги улуси 36 фоизга етган.

2023 йилда вилоятга 1,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиб, 440 минг аҳолини даромадли иш билан таъминлаш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, вилоятда 80 та маҳаллада 6 мингдан зиёд аҳоли касаначилик билан шуғулланган. Ўзбекистон Президенти имзолаган қарори кенг имкониятлар яратади. Жумладан, тадбиркорларга ҳар бир жалб қилинган касаначи учун, 2 миллион сўмгача имтиёзли револьвер кредит ва 1 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилади. Касаначиларга ўзини ўзи банд қилиб, солиқ тўламасдан шуғулланишга рухсат этилади. Касаначиликка жалб қилинган эҳтиёманд фуқарога ижтимоий нафақа 6 ой давомида тўлаб берилади. Асқоб-усқуна ва хомашё сотиб олишга 9 миллион сўмгача субсидия тақдим этилади. Касаначиларни жалб қилган тадбиркор ва кластерлар учун фойда ва айланма солиғи, давлат мулки ижараси 2 баравар камаяди.

Булар орқали Қашқадарёда яна 150 та маҳаллада қўшимча 20 минг аҳолини касаначи қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Маҳаллалардаги бандлик ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда кластерлар фаол бўлиши кераклиги таъкидланди.

Деҳқонобод, Яқкабғо, Шахрисабз ва Нишон туманларида сув таъминоти яхшилаб, 10 минг аҳолини банд қилиш, Миришкордаги 5 минг гектарли табиий кўлда балиқ етиштиришни қўлайитириш вазифалари айтиб ўтилди.

Саноат зоналарида бўш турган майдонларда 50 та лойиҳани амалга ошириб, 2 мингта иш ўрни яратиш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, жойлардаги “ўсиш нуқталари”га тадбиркорларни жалб қилиб, қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳар бир туманда салоҳиятни лойиҳага, лойиҳани иш ўринларига айлантириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, Шахрисабз, Китоб, Қамашчи ва Яқкабғо туманлари туризм салоҳиятининг ярми ҳам ишга солинмаган. Бунинг учун Шахрисабз — Қарши — Самарқанд йўналишига электр поезди қўйиб, йўловчи оқими-ни ошириш вазифаси қўйилди. Бу туризм, савдо ва сервис ривожига қўшимча туртки бўлади.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари, оқсоқоллар, зиёлилар, тадбиркорлар ўз таклифларини билдирди. Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБЕКОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Акс садо

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва Мисрнинг «Янги Республика» дастури бир-бирига ҳамоҳангдир

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрга амалга оширган расмий ташрифи дунё оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлди.

Жумладан, Мисрнинг минтақада машҳур “Ал-Ахрам” газетасида чоп этилган Ўзбекистон етакчисининг расмий ташрифи якунларига бағишланган мақолада қайд этилганидек, олий даражадаги музокарадан сўнг давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган оммавий ахборот воситалари вакилларига берилган баёнотда Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қоҳирага икки кунлик ташрифи барча соҳада Ўзаро муносабатларни мустақам-лаганини билдирди. ➔ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТГА АЙЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократия институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофида кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар мазмун-моҳиятига кўра, “инсон — жами-

ятта давлат”, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қонун сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамият-лидир. Конституциявий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг тадрижий ривожланиши боис ҳаётий зарури-

ятта давлат”, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қонун сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамият-лидир. Конституциявий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг тадрижий ривожланиши боис ҳаётий зарури-

Муносабат

ИЛМ-МАЪРИФАТ, ОҒОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК жаҳолатга қарши курашишда мустақам пойдевордир

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 17 февраль куни Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилиб, дин соҳаси вакиллари, уламолар билан очик-ўям самийий суҳбат қургани бежиз эмас. Зеро, Бухоро илм-маърифат ва илоҳийнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, Ўрта асрлар мусулмон оламида “Қуббат ул-ислом” (“Ислом динининг гумбази”), “Бухорои шариф” (“Шарофатли шаҳар”) номлари билан шўҳрат топган. Бу гўшада азалдан илм-фан зиёси чарақлаб туради.

Ер юзиде шариф шаҳарлар санокли. Бухоро — ана шундай юксак мақомга эга бўлган дурдона ошёнлардан бири. Бухорои шариф — “Илм маскани”, “Зебу зийнат шаҳри”, “Фахрли шаҳар”, “Очик шаҳар”, деган маъноларни ҳам англатади. ➔ 4

Депутатлар — худудларда

ҲАҚИҚАТ МУЛОҚОТЛАРДА ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, mavjud муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топшиш мақсадида ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда. Зеро, халқ билан мулоқотларда ҳақиқат юзга чиқади, ечим топшиш ҳаракатлари бошланади.

Сув қувури масаласи ҳал этиладиган бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамовнинг Наманган шаҳридаги таълим муассасалари, тadbirkorлик субъектлари ҳамда аҳоли билан учрашувлари ҳамда муаммоларни ўрганиши, уларга ечим излашда юзга хос аҳамият касб этди. Дастлаб депутат Наманган шаҳридаги 88-мактаб жамоаси билан учрашди. Ушбу таълим муассасаси ўтган йилда фойдаланишга топширилган бўлса-да, дарслар икки сменада олиб борилганлиги, кўшимча бинога эҳтиёж мавжудлиги маълум бўлди. Яъни 315 ўринга мўлжалланган мактабда 704 нафар ўғил-қиз таълим олаётгани депутатни бефарқ қолдирмади.

Халқ вакили Гулбаҳор Саидганиевнинг учрашувлари Бағдод туманидан бошланди. Хусусан, депутат "Беғовот" МФЙ раиси билан мулоқот чоғида маҳаллада аҳолини қандай муаммолар қийнаётгани билан қизиқди. Кўплаб масалалар ечими депутатлик назоратига олинди.

Маълум бўлишича, мазкур маҳалланинг Нури ҳаёт кўчасида яшовчи 13 та хўжалик ичимлик суви муаммосига дуч келмоқда. Фуқаролар 32 миллион сўм сарфлаб сув қудуғи қазиб ишларини амалга оширган. Лекин керакли 92 метрлик сув қувури масаласи ҳал бўлмаган.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, шаҳардаги 74-мактаб ҳам 840 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда икки сменада 1600 нафар ўқувчи таълим олмақда. Тўғри, мактабга 2022 йилда янги ошхона қурилиб, фойдаланишга топширилган. Аммо мактабни жиҳозлаш, жорий таъмирлашда муаммолар кўзга ташланиб турибди. Депутат ушбу масалаларни ўз зиммасига олиб, ҳал этиш чораларини кўришини билдирди.

Маълум бўлишича, мазкур маҳалланинг Нури ҳаёт кўчасида яшовчи 13 та хўжалик ичимлик суви муаммосига дуч келмоқда. Фуқаролар 32 миллион сўм сарфлаб сув қудуғи қазиб ишларини амалга оширган. Лекин керакли 92 метрлик сув қувури масаласи ҳал бўлмаган.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округи ҳудудидagi хунарманд ва тadbirkorлар билан ҳам учрашди, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинлади.

Депутат ушбу масала юзасидан туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи билан телефон орқали боғланди ва тез орада бу масалага ижобий ечим топиладиган бўлди.

ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 февраль кунги Жиззах вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, одамлар ҳаёти билан яқиндан танишди. Ва асосийси, ташриф чоғида давлатимиз раҳбарининг вилоятда йирик sanoat қувватларини ташкил этиш, иктисодиётини ривожлантириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга доир ташаббуслари, оддий одамлар билан ўтказган мулоқотлари халқимизнинг кўнглидан жой олди, эртасига ишончини оширди...



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Жиззах яқин пайтларга иқтисодий ўсишда бошқа вилоятларга нисбатан суист бўлиб, пахта толаси ишлаб чиқариш sanoatининг асосий таъини эди. Аммо бугун Жиззахда электротехника, оптик тола, автомобиль, мураккаб кимёвий моддалар, энергетика материаллари ва бошқа юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётти. Йилдан-йилга янги ҳудудий маҳсулот курсаткичлари ошаётди. Кичик ва ўрта бизнес ҳажми ҳам ўсмокда. Утган йил 27 триллион сўмдан кўпроқ янги ҳудудий маҳсулот билан якунланган бўлса-да, аслида бундан ҳам юксак натижаларга эришиш мумкин. Зеро, ҳудудда "Ғисил нукталари" кўп, аммо ҳамма гап улардан унумли фойдаланишда.

Фермер хўжалиги бўлди. Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати тўбдан ўзгарганини ушбу хўжалик фаолияти мисолида ҳам аққол намоен. Хўжалик майдони 100 гектар бўлиб, шундан 80 гектарда пахта ва галла, қолган қисмида соя, саримсоқтиёз, беда экилган. Дала четида тут, узум, поллиз ва дукмаки маҳсулотлар парвартирилмоқда. Асалари уялари қўйилган. Ҳатто энгил конструкциялардан дала уйи қурилган. Унинг томига эса қуёш панеллари ўрнатишган.

Бир қарашда вилоятда қишлоқ хўжалигидаги аҳвол рисоладагидек. Аммо бу вилоятнинг аграр тизимидagi ислохотлар курсаткичлари мактангулик даражада дегани ҳам эмас. Даладаги учрашувда давлатимиз раҳбари мутасаддилар, олимлар, кластер ва фермерларга ҳосилдорликни ошириш учун тегишли курсаткичлар берди. Бундан кўзланган мақсад — аҳолини рози қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва даромадларни оширишга эришишдир.

Бир қарашда вилоятда қишлоқ хўжалигидаги аҳвол рисоладагидек. Аммо бу вилоятнинг аграр тизимидagi ислохотлар курсаткичлари мактангулик даражада дегани ҳам эмас. Даладаги учрашувда давлатимиз раҳбари мутасаддилар, олимлар, кластер ва фермерларга ҳосилдорликни ошириш учун тегишли курсаткичлар берди. Бундан кўзланган мақсад — аҳолини рози қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва даромадларни оширишга эришишдир.



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Ернинг тилини биладиган мутахассисларнинг ёнига аграр соҳага оид замонавий билимларни чуқур эгаллаётган ёшларни, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасининг етук мутахассисларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш фойдадан ҳоли бўлмайд.

Ернинг тилини биладиган мутахассисларнинг ёнига аграр соҳага оид замонавий билимларни чуқур эгаллаётган ёшларни, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасининг етук мутахассисларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш фойдадан ҳоли бўлмайд.

Ташриф чоғида Президентимиз аҳоли билан учрашди, тadbirkorларнинг илгор ютуқлари билан танишди, муаммолар билан қизиқди ва уларни ечим йўллари курсатди. Аслида ҳам шундай, одатда янги тақвир ва муаммолари масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ва ечимини топади.

Ташриф чоғида Президентимиз аҳоли билан учрашди, тadbirkorларнинг илгор ютуқлари билан танишди, муаммолар билан қизиқди ва уларни ечим йўллари курсатди. Аслида ҳам шундай, одатда янги тақвир ва муаммолари масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ва ечимини топади.

Сафар дастуридаги биринчи манзил — Пахтакор туманидаги "Пахтакор элита уручилиғи"

Сафар дастуридаги биринчи манзил — Пахтакор туманидаги "Пахтакор элита уручилиғи"

ХАЛҚ УЧУН ДОИМО ЭШИКЛАР ОЧИК

Ҳаёт давом этар экан, инсон бор экан, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Демак, мурожаатлар билан ишлаш ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди.

Сенатор ва ҳаёт

Яққасарой тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очилишни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзолари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда ўтказилган фуқаролар қабулида айнан шу жиҳатдан ёндашилди. Зотан, одамларнинг дардини эшитиши, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини энгиллаштириш фуқароларнинг давлат ва жамиятга ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

Яққасарой тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очилишни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзолари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда ўтказилган фуқаролар қабулида айнан шу жиҳатдан ёндашилди. Зотан, одамларнинг дардини эшитиши, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини энгиллаштириш фуқароларнинг давлат ва жамиятга ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

фарзандини ишга жойлаш, "Армуғон" МФИда истиқомат қилувчи М. О.нинг "темир дафтар"га киритиш, "Қушбеги" МФИдан келган Х. М.нинг субсидия ахратиш, "Дилбулук" МФИлик Х. М.нинг бандлигини таъминлаш борасидаги мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Шунингдек, тadbirkor А. Н.нинг 127-мактаб ёнида жойлашган савдо шохобчасини сақлаб қолиш ҳамда фуқаро Х. К.нинг маҳалла ҳудудида қичкинди шохобчасини ўрнатилиши сўраб қилган мурожаатлари юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Ўз навбатида, қўмита аъзолари туман ҳокимлиги ахборот хизмати ҳамда маҳаллий

Кенгашнинг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очилишни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси фаолияти билан ҳам танишди. Шу билан бирга, сенаторлар фуқаролар қабулларини ташкил этиш, ахборот хизмати фаолиятини тақомиллаштириш, журналлар ва блогерлар учун пресс-тур ва матбуот анжуманлари ўтказиш, маҳаллий Кенгашнинг очилишни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳудуддаги ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги ахборотларини эшитиб бориши лозимлиги юзасидан фикр ва тавсияларни берди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш ва бошқа қатор чора-тadbirkorларни ўз ичига олган Давлат дастури халқимиз билан маслаҳатлашган ҳолда обдан муҳокамадан ўтказилиб, сўнгра қабул қилиниши анъанага айланди.

Нуқтаи назар

Мазкур амалиёт, аввало, халқ билан мулоқот таъмоилии асосидаги ислохотларимизнинг амалдаги натижаси, десак, муболага бўлмайдди. Зеро, халқимиз ўз тақдирини ила боғлиқ бўлган ҳар бир концептуал ҳужжат билан танишиб чиқиши лозим. Бу юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириши билан бирга, шу заминда яшаётган фуқароларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ўйғотмоқда.



Утган йиллар таърихида келиб чиқиб айтиладиган бўлса, Давлат дастуридаги энг халқчил гоялар аҳоли билдирган тақлифлар асосида вужудга келганини кўриш мумкин. Шу боис халқимизнинг ушбу жараёнлардаги фаоллиги йилдан-йилга ошиб бораётди. Хусусан, "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилда амалга оширишга оид Давлат

дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ҳам айни кунда Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан 2023.strategy.uz ҳамда davlatdasturi.uz порталлари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳужжат лойиҳаси жами етти йўналиш ва 309 та банддан иборат бўлиб, унда Президентимизнинг Олий Мажлис

ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илғари сурилган ташаббуслар, вазирилик ҳамда идораларнинг 2023 йилда тегишли соҳаларда амалга оширадиган муҳим чора-тadbirkorлари назарда тутилган. Аёнки, кейинги йилларда халқ билан мулоқот тизими самарали йўлга қўйилди. Фуқароларимиз ўзларини қизиқтирган, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим деб билган ҳар бир масалани кўтариб чиқиб, масъуллар эътиборини ушбу муаммолар ечимига қаратмоқда. Худди шундай, айни кунларда ушбу лойиҳанинг ҳар бир банди бўйича ҳам фуқаролар ўз фикр-муносабатларини, тақлифларини билдиришмоқда.

Яна бир гап. Бугун мамлакатимизнинг барча соҳасида рақамлаштириш жараёнилари кечмоқда. Мақсад шафдофлик, очилишни таъминлаш, энг муҳими, фуқароларимизнинг муносаларини тезкор ҳал этиш, мушқулини осон қилишдан иборат. Шу боис Давлат дастурининг биринчи йўналишида электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам вазибалар белгиланган.

Хозирги кунда фуқароларга давлат хизматлари курсатиши имкониятлари кириб келмоқда. Эътиборини тортадиган яна бир қулайлик — талабаларни ётоқхоналарга жойлаштириш масаласи билан боғлиқ. Ёни эндиликда талабалар мобил иловалар орқали my.gov.uz сайтига кириб, ётоқхоналарга навбатга туриш имконига эга бўляпти. Бу, албатта, ёшларга ҳар томонлама қулай имконият яратяпти.

Маълумки, глобаллашув жараёнининг тезлашиши барча соҳада рақобат муҳитини янада қулайтираётди. Замонавий дунёда интеллектуал билим давлатлар тараққиётида тобора муҳим ўрин эгаллаётти. Бундай шароитда сифатли билим беришга асосланган таълимнинг мамлакатнинг рақобатдорлигини таъминлаш олдига ушбу жараёнда ностандарт, креатив ҳамда танқидий фикрлайдиган, юқори интеллектуал салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш талаб бундан-да ортади. Бу эса Бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқ узлуксиз жараёндир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда кейинги йилларда таълим сифатини ошириш давлат сиёсати даражасига чиқди. Давлат дастури лойиҳасида ҳам айнан таълим сифатини ошириш, соҳани илгор хорижий таъриба асосида ислох қилишга эътибор қаратилган. Ёни мактабга таълим, мактаб таъли-

ми ҳамда профессионал таълимни янада ривожлантириш бўйича вазибалар белгилаб берилган. Жумладан, профессионал таълим тизимини раванқ топтириш, меҳнат бозори ва иш бериувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш мақсадида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантларини қоллаб ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратиш, натижада жорий йилда мазкур шаклдаги давлат гранти асосида қамда 5,7 минг нафар ўқувчи қабул қилиниши белгиланган. Дуал таълим шаклида ўқувчи профессионал таълим муассасасида назарий билимларни олади ҳамда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат фаолиятини амалга ошириб, амалий кўникмаларини мустақамлашди. Буни биз жараёнинг ривожланган давлатлари — Германия, Швейцария, Австрия таърибасида ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Давлат дастури лойиҳасида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларини иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилиши белгиланган. Бунинг натижасида 76 та мактабда француз тили, яна шунчасида немис, 37 тасида инглиз, 10 тасида

корейс, 6 тасида хитой ҳамда 3 тасида япон тиллари иккинчи хорижий тил сифатида ўқитилади. Шунингдек, ўқувчилар 10-синфдан бошлаб 64 та ишчи касблар, 21 та соҳада тadbirkorликка, 10 та ИТ ва "креатив индустрия" йўналишидаги касбларга ўргатилади. Ушбу жараёнда ёшлар етакчилари ва худуддаги танқидий тadbirkorлар жалб қилинади. Ҳужжат лойиҳасида умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларини илгор хорижий таъриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш тақлифи киритилган бўлиб, ушбу вазибаларни амалга ошириш жараёнида педагогик олий ўқув юрталари ҳам мазкур жараёнга тезроқ тайёрларли қилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бунинг учун ишлаб чиқилган дарсликлар намуналари соҳавий олий таълим муассасаларида ҳам берилиши ҳамда улар, ўз навбатида, бунга жадал

тарзда тайёрларли қилиши лозим бўлади. Шу ўринда олий таълим сифати ва самардорлигини ошириш борасида айрим масалаларга эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ деб биламиз. Биринчидан, тегишли олий таълим муассасаларида муҳандислик ҳамда техник таълим соҳаларини ривожлантириш учун таълим дастурининг хатловини олиб бориш лозим. Иккинчидан, жаҳон таърибаси асосида замонавий таълим дастурини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида "Робототехника ва сунъий интеллект" ўқув марказлари, масофавий таълимни ривожлантириш ўқув лабораторияларини ташкил қилиш айни муддаодир. Учинчидан, эндаунет фондларини ташкил қилиш орқали олий таълим муассасаларини ривожлантиришда уларнинг ролини ошириш фоятда муҳим.

Албатта, бу каби гоя ва тақлифлар эртаими эгалари бўлган ёшларни келгусида жаҳон стандартига жавоб берадиган, интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, креатив фикрлайдиган, рақобатбардор мутахассис бўлиб етишишида ўз самарасини беришига ишонамиз. Айни чоғда Давлат дастури лойиҳасида қўзда тутилган мақсад ҳамда чора-тadbirkorларнинг ҳар бири ўз вақтида ва самарали ҳаётга таъбиқ этилишига эса барчамиз бирдек масъулмиз.

Санжарбек ДАВЛЕТОВ, Урганч давлат университети Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, тарих фанлари доктори, профессор.

